

Яйра Абдуллаева ҳаёти ва ижодига бағишланган китоб нашр этилди

29 январь 2016



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева ҳаёти ва ижодига бағишланган "Санъатга бахшида умр. Яйра Абдуллаева" номли китобнинг тақдироти бўлиб ўтди.

Китоб муаллифи санъатшунос Дилфуза Раҳматуллаеванинг айтишича, Яйра Абдуллаеванинг Туроб Тўла трагедияси асосида яратган Нодирабегим образи ушбу асарнинг дунёга келишига асосий сабаб бўлди. Муаллиф воқеаларни янада аниқ ва китобхонга тушунарли ҳолда етказиш мақсадида ушбу образга қайта-қайта мурожаат қилган. Яйра Абдуллаева ушбу асарнинг юзага келишида бевосита ўзи ҳам иштирок этган.

Маълумки, Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева "Қутлуг қон" асаридаги Гулнор, "Бой ила хизматчи"даги Гулбахор, қолаверса, Қорасоч, Нодиребегим каби образларни етук ва профессионал даражада ижро этиб, ўзбек театр санъати тарихида ўзига хос ўрин эгаллаган актрисадир.